

A - 126

372

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 895.1-32
3-67


ЗИЯМУҲАМЕДОВ ЖАСУР ТОШПЎЛАТОВИЧ

**ПУ СУНГЛИНГНИНГ
СЕҲРЛИ НОVELЛАЛАРИ**

(СЮЖЕТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ)

10.01.06 – Осиё ва Африка мамлакатлари халқларининг адабиёти

Филология фанлари номзоди
илемий дарражасини олиш учун ёзилган диссертация
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И



ТОШКЕНТ – 2005

Иш Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедрасида бажарилган.

- | | |
|---------------------|--|
| Илмий раҳбар: | - филология фанлари доктори
Т.А. МУХТАРОВ |
| Расмий оппонентлар: | - филология фанлари доктори
С. ҲАСАНОВ

- филология фанлари номзоди, доцент
А. КАРИМОВ |
| Етакчи муассаса: | - Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети |

Ҳимоя 2005 йил «19» мај соат 11⁰⁰ да Тошкент Давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги филология фанлари бўйича диссертацияларни ҳимоя қилишга мўлжалланган ДК 067.70.02 рақамли Ихтисослашган Кенгаш йигилишида ўтказилади (700047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25).

Диссертация билан Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг асосий кутубхонасида танишиш мумкин (700047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25).

Автореферат 2005 йил «16» апрел да тарқатилди.

Ихтисослашган Кенгаш
илмий котиби

филология фанлари
доктори, профессор
R.U. ХОДЖАЕВА

ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. «Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши науналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни, ҳозирги ёшли-римизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак», - деб айтади Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов¹. Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари шарқшунослар, айниқса, адабиётшуносларга жаҳон адабиётининг сараасарлари билан ўзбек китобхонини таништириш, унинг дунёқарашини тафаккур дурданалари билан бойитиш масъулиятини юклайди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг ижтимоий, савдо-сотиқ ва маданий-адабий алоқалари тарихи минг йилларга туташ. Ҳалқларимиз ўргасидаги бу алоқаларнинг илдизлари Буюк ипак йўленинг тарихи билан боғланади.

Мамлакатимизнинг истиқлоли туфайли ўзбек ва хитой муносабатлари янги босқичга қадам кўйди. Икки давлат бошликлари – И. Каримов ва Цзян Цземин, сўнг Ху Цзин Таонинг мамлакатларга ўзаро ташрифлари бу алоқаларнинг янада ривожланишини таъминлаб берди. Айниқса, Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ўзаро муносабатлар Ўзбекистон ва ХХР ўргасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг янада кенгайишига сабаб бўлмоқда.

Хитой адабиёти ўзига хослиги, жанрлар хилма-хиллиги ва мўъжизавийлиги билан ўзбек китобхонини қизиқтириб келган. Хитой адабиётининг дурданалари ичida новелла, хусусан, сеҳрли новеллалар адабиётшунослар эътиборини тортаётгани бежиз эмас. Илдизлари ҳалқ оғзаки ижодига бориб тақаладиган новелла хитой бадиий насли тарихида алоҳида ўрин тутади. Ўзининг асл сифатларини деярли ўзгаришсиз сақлаб қолган жанр ҳам новелладир. Бу жанр ҳалқ оғзаки ижодидаги масал-новеллалардан ҳамда ҳикоя-новеллалардан, Танг новелласи ва Сунг даври ҳалқ қисса-новеллаларидан психологик новеллага қадар ўсиб ривожланди, такомилга эришди.

Хитой адабиёти тарихида новелла жанрини юксак такомилга олиб чиқсан ва бу жанрнинг кейинги ривожланиш йўлини белгилаб берган ёзувчилардан бири Пу Сунглинг (1640–1715)дир. У Ляо Жай тахаллуси билан ижод қилган. Муаллиф «Ляо Жайнинг гаройиботлар ҳақидаги ҳикоялар» китобининг сўзбошисида шундай ёзган эди: «Мен сеҳрли эртакларни ёқтиардим ва йигиб борардим. Ҳар сафар шундай эртакларни эшитганимда ёзиб олар ва кейинчалик ўз новеллаларимда бу эшитгандаримдан фойдаланарадим. Шу билан бирга, дўстларим мамлакатнинг тўрли ерларидан эртакларни қоғозга тушириб юборишар эди. Шу тарзда менинг коллекциям бойиб бораверди»².

Хеч бир тарихий асар ўтмиш манзарасини бадиий адабиёт сингари икричичириларигача батафсил акс эттира олмайди. Шу маънода Пу Сунглинг асарларини хитой ҳалқлари ҳаётининг инъикоси, маданий меросининг ажралмас қисми, хитой жамиятидаги турли табақалар ҳаёти ва ўзига хосликлари ҳақида фикр юритишига имкон берувчи маълумотлар манбаидир. Шу хусусиятлари учун адабиётшуносликда Пу Сунглинг новеллаларини тадқиқ этиши катта аҳамият касб этади.

¹ Каримов И.А. Маънавий юксалини йўлдида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 10.

² Han jiantang (Bianzhu). Zhongguo wenhua. Beijing yuyan daxue chubanshi. – Beijing, 1999 nian. 189-189 ye.

Новелла жанрининг бадий хусусиятлари кўпдан бери тадқиқотчилар эътиборини тортиш билан бир қаторда, жиддий филологик тадқиқотлар мавзуси ҳам бўймокда. Бу, аввало, хитой адабиёти тарихида ушбу жанрнинг кенг тарқалганлиги билан боғлиқ. Хитойда новелласифат кичик эпик жанрлар ёзма адабиёт ва ҳалқ оғзаки ижодининг ўзаро алоқалари асосида ривожланиб келди. Шу боис ҳам ўрга аср адабий жараёни муаммосини ёзма адабиёт ва фольклорнинг ўзаро алоқалари нуқтаи назаридан ўрганиш, фольклор сюжетлари ва мифологик образлар трансформацияси муаммоларини эса Пу Сунглинг новеллалари гоявий-бадий тизими доирасида тадқиқ этиш тадқиқот долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хитой мумтоз адабиётини ўрганиш борасида кўп ишлар қилинган. Жумладан, Е.А. Серебряков «Лу Ю (1125-1210). Ҳаёти ва ижоди» мавзууда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва шу номли китоб ҳам чоп эттириди, «Х-ХI асрлар шеърияти. Ши ва чи жанрлари»³ тадқиқоти ҳам Е.А. Серебряков қаламига мансуб. Л.К. Павловскаянинг «Пингхуа жанрида ёзилган ҳалқ тарихий романлари» (1975), Пан Иннинг «Хитой классик романи «Шуйху чжуань»нинг яратилиши» (1973) ва О-Линлиннинг «Ҷао Шюэциннинг «Қизил кўшқидаги туш» романидаги янги қаҳрамонлар» (1972) тадқиқотлари хитой романнавислигини ўрганишга бағишланган бўлиб, уларнинг ҳар бирида Пу Сунглинг новеллаларининг роли ва адабий жараёнга таъсири муаммолари алоҳида қайд этилган. Жумладан, И.И. Пан матншунослик таҳлили натижасида фольклор асарлари ҳамда адабий ва тарихий ёдгорликлар асосида яратилган «Дарё ўзани» романи, кўп жиҳатдан, Пу Сунглингнинг баён тарзини ва новеллаларининг хусусиятларини эслатади, деган хulosага келади.

Хитой мумтоз адабиёти соҳасидаги илмий ишларни кузатар эканмиз, Пу Сунглинг асарлари адабий муҳитини, ўқилиш доирасини ҳамда хитой адаби учун пойдевор бўлиб хизмат қилган маданий қатламни ҳам тасаввур қила оламиз. 1978 йилда эса методологик жиҳатдан чинакамига назарий асос бўлган китоб майдонга келди. В.М. Алексеевнинг танланган асарлари шаклида чоп этилган ушбу «Хитой адабиёти» китобидан, ҳар бир соҳадаги хитойшунос ўзига яқин масалани, камида мунозаравий, илк бора кўтариб чиқилган шаклда топиши шубҳасиз⁴.

Тадқиқотчилар Хитойда муаллифлик адабиётининг олти юз йилдан ортиқ мuddat мобайнида ҳалқ оғзаки ижодидан ажralиб чиқиш жараёнини кузатсалар-да, бадий ижоднинг индивидуаллашув жараёни тадқиқига етарли эътибор бермаганларини ҳам қайд этиши жоиз. Бинобарин, ижодкор шахси деярли маҳсус тадқиқ объекти қилиб олиммасдан, адабий гуруҳнинг бир қисми сифатида тадқиқ этилган. Шу боис изланишимизда дикъатни олдинги ишларда назардан четда қолган жиҳатларга, жумладан, новеллаларнинг бадий ва гоявий хусусиятлари, жанр такомили масалаларига кўпроқ эътибор қаратишни лозим топдик.

Тадқиқот манбалари. Хитой тилидаги Пу Сунглингнинг уч жилдлик «Тўла асарлар тўплами» (Шанхай, 1997-1998)⁵ тадқиқотимизнинг асосий манбаини ташкил қиласди. Шунингдек, унинг хитой тилидаги иккى жилдлик «Пу Сунглинг асарлари тўплами» (1986)⁶, Ли Силиннинг «Чинг сулоласи даври адабиёти тадқиқи» (2001)⁷ ҳамда Ченг Винг Сининг «Ляожай тадқиқотлари»⁸ кабилар ҳам таҳлилга тортилди.

Шунингдек, Пу Сунглинг новеллаларининг хитой адабиётидаги ўрни ва адабнинг новелланавислика кўшган ҳиссасини кўрсатиш учун уларга асос бўлиб хизмат қилган ҳалқ оғзаки ижоди намуналари ҳамда Пу Сунглинг новеллалари таъсирида яратилган асарлар ҳам қиёсий тадқиқ доирасида таҳлилга жалб этилди.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент Давлат шарқшунослик институти илмий ишлари режаси доирасида бажарилган бўлиб, Осиё ва Африка мамлакатлари ҳалқла-рининг адабиётини ўрганишда адабий жараённинг қиёсий-типологик таҳлили, шарқ ҳалқлари фольклори ва адабиётининг алоқалари ҳамда ўзаро таъсирини аниқлаш соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Мумтоз хитой адабиётига доир тадқиқот ва нашрлар кўп бўлишига қарамай, шу пайтгача жаҳон ва, хусусан, ўзбек адабиётшунослигига Пу Сунглинг ижодидаги сеҳрли новелла жанри тадқиқига бағишланган бирорта монографик тадқиқот мавжуд эмас. Ҳолбуки, унинг айни жанрдаги ижоди хитой мумтоз адабиётининг чўққиси, ижодкорнинг ўзи эса хитой адабиётини жаҳонга машҳур қилган ёзувчи ҳисобланади. Шу боис Пу Сунглинг сеҳрли новеллалари жанрнинг ривожланиши жараёни ва тадрижини эътиборга олган ҳолда таҳлил этилди. Тадқиқотда кичик сюжетли насрнинг I-VI асрлардаги илк сеҳрли ҳикоялардан XVII аср новелласининг Пу Сунглинг ижода ривожланишигача босиб ўтган йўлини ёритиб бериш кўзда тутилди.

Ишнинг асосий йўналишидан келиб чиқсан ҳолда қуидаги вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган:

- Хитой адабиётида новелла жанрининг шаклланиши ва тадрижий ривожланишини ўрганиш, Пу Сунглинг новеллаларига материал бўлиб хизмат қилган илк манбаларни аниқлаш;
- Хитой новеллаларидаги фольклор мотивларини ўрганиш;
- Пу Сунглинг ижодидаги ўзига хослик ва анъанавийликни сюжет, композиция, персонаж каби бадий компонентлар асосида таҳлил қилиш;
- Пу Сунглинг новеллаларида инсон образи қандай шакл ва воситалар ёрдамида акс эттирилганлигини талқин қилиш;
- Пу Сунглинг ижоди мисолида новеллаларга хос сеҳрли мотивларнинг тадрижий ўзгаришга юз туттганлигини аниқлаш;
- Пу Сунглинг новеллаларининг бадиияти ва муаллиф услубини ўрганиш.

³ Серебряков Е.А. Китайская поэзия X-XI вв. Жанры ши и цы. – Л., 1979.

⁴ Алексеев В.М. Китайская литература (избранные труды). – М., 1978. (Пу Сунглинг ижоди ва унинг новеллалари таржималарига муносабат олимнинг ушбу китобдаги «Қадимги хитой адабиётини демократиялаштириш тарихига доир» ва «Пу Сунглинг (Ляо Жай) новеллаларида конфуциан шахси ва мандарин мафкураси фожиаси» деган иккى асарида баён этилган).

⁵ Pu Songling. Quanji sance. Xuelin chubansi. – Shanghai, 1998 nian.

⁶ Pu Songlingji. Shanghai guji chuban shi. Quan erce. – Shanghai, 1986 nian.

⁷ Li Cilin. Qingdai wenxue yanjiu. Beijing chubansi. – Beijing, 2001 nian.

⁸ Chen Binxin. Liao Zhai jingjie. Hunan meishu chubansi. – Changsha, 2003 nian.

Бундан ташқари, тадқиқотимизда Пу Сунглинг ижодида сеҳрли новелла мотиварининг хилма-хиллиги, ушбу новеллаларда ўрта аср ҳаётининг акс этиши, асарларга хос характерли хусусиятларни ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Пу Сунглингнинг ҳаёти ва ижоди, унинг хитой адабиётида тутган ўрни, адаб ижодига ҳалқ оғзаки ижодининг таъсири, айниқса, хитой адабиётшунослари ва қисман, рус олимлари томонидан ўрганилган бўлса-да, уларда ижтимоий таҳлил устуворлик қиласди. Тадқиқотимизда хитой адабиётида новелла жанри, унинг ўзига хос хусусиятлари, ҳалқ оғзаки ижодаги унга яқин жанрлардан новелла даражасигача кўтарилиши, бу жараёнда Пу Сунглинг ижодининг ўрни, новелланинг хитой адабиётидаги мавқеи ва тараққиёт тамойиллари каби илмий муаммолар хитойшунослиқда илк бор тадқик этилмоқда. Пу Сунглинг новеллалари тадрижий ривожланиш босқичлари адабиётшунослик соҳасида ҳали таҳлил қилинмаганлиги, Пу Сунглинг новеллалари билан қадимги хитой новеллалари ўртасидаги гоявий-бадиий жиҳатдан мазмунан боғлиқлик кўрсатиб берилганинги, ёзувчи новеллаларида ўзига хос баён тарзи ва ифода услуги таҳлил қилинганинги ишнинг илмий янгилиги-ни белгилайди.

Тадқиқотнинг услубий асослари. Диссертацияни ёзишда хитой адабиётшунослари Лу Син, Чен Бинг Си; рус олимлари В.М. Алексеев, Е.А. Серебряков, К.И. Голигина, Б.Л. Рифтин, И.С. Лисевич, О.Л. Фишман, И.И. Пан, П.М. Устин ҳамда ўзбек фольклоршунослари Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов, М. Жўраев; араб ва мумтоз шарқ адабиёти муаммоларини ўрганишда А. Қаюмов, Ш. Шомуҳамедов, Н. Иброҳимов, Т. Мухторов, Р. Хўжаева, Ҳ. Болтабоев, Б. Назаров, Р. Иномхўжаев ва бошқаларнинг илмий-назарий қарашларига асосланилди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация материаллари, ишнинг илмий ҳулосалари новелла жанрининг генетик асослари, унда воқелик-нинг бадиий ифодаланиш тамойиллари, унинг ҳалқ оғзаки ижодидан бадиий адабиётга кўчиб ўтиши ва трансформацияси, образлар тизими, мавзу доираси, новелла жанрининг Пу Сунглинг ижодида тутган ўрни, хитой адабиётидаги мавқеи ҳамда адабий таъсир масалалари, шунингдек, хитой адабиёти ва адабий жанрлар тарихини ўрганишда мұхим аҳамиятта эга.

Амалий жиҳатдан тадқиқот натижаларидан олий ўкув юртлари филология факультетлари, магистратура, хусусан, хитой филологияси бўлими талabalari учун ўрта аср хитой адабиётидан маҳсус курс ва семинар машғулотлар ўтишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг жорий қилиниши. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида ўтказилган академик У. Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий анжуманида (2004 йил 11 июнь), Тошкент Давлат шарқшунослик институти томонидан ўтказилган «Хитой ва Марказий Осиё ҳалқарининг маданий, адабий, тил алоқалари: ўтмиш ва ҳозирги замон» мавzuидаги илмий-амалий анжуманда (2004 йил 20 декабрь), «Хитойшуносликнинг долзарб масалалари» мавzuидаги ҳалқаро анжуманда (2004 йил 29 сентябрь) ҳамда 2004 йил июль ойида Хитойдаги Ланжоу университетида диссертация музаллифи томонидан тадқиқот мавзуси бўйича мъурозалар қилинди.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси йиғилишида, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллар университети қошида ташкил этилган илмий семинар мажлисida мұхокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Диссертациянинг асосий натижалари диссертант томонидан чоп этилган 4 та илмий мақола ва 4 та илмий-амалий анжуманларда қилинган маъруза матнларида ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, умумий ҳулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Диссертациянинг умумий ҳажми 148 бетдан иборат бўлиб, ундан 135 бет асосий матн, 13 бет фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатини ташкил этади.

ИШНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг Кириш қисмида тадқиқот мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, обьекти ва методологияси ёритилган.

Биринчи боб «Пу Сунглинг новеллаларининг сюжети, композицион қуруми ва ижодининг ўрта аср хитой адабиёти тарихида тутган ўрни» деб номланган. Ушбу бобда Пу Сунглингнинг ҳаёти ва ижоди, новеллаларининг гоявий хусусиятлари, сюжет тизими, бизгача етиб келган ҳикоялар тўпламининг таркиби хусусида сўз боради.

Ўрта аср хитой адабиёти тарихида Пу Сунглинг ижодининг тутган ўрни. «Шандун ўлкасидағи Зичуан тумани тавсифи» номли қадим хитой йилномасида ёзилишича, адабнинг исми Сунглинг, балогат ёшига етгандаги исми Лю шан, дўстона лақаби эса Лю Чюан бўлган.

Пу Сунглингнинг аждодлари Хитойга XIV аср бошларида келиб қолган, Юань мўғул сулоласи ҳукмронлиги даврида юксак мартабаларга эришган мўғул (чамаси туркийнасаб) мулозимлардан бўлган⁹. Зичуан туманидаги Манжижан қишлоғининг XVI асрдаётк Пужа Жуанг («Пулар хонадони қишлоғи») деб аталиши ҳам бу хонадоннинг шон-шавкатидан далолат беради.

1663 йилда отаси вафот этгач, оила батамом қашшоқлик гирдобига ботиб кетди ва Пу Сунглинг маълум муддат дўсти Ли Симэйникида «пансион»да яшашига ҳам тўғри келди. 1670 йили у амалдор Сунь Хуэга котибликка ёлланди ва у бошлиқ қилиб тайинланган Бакин туманига кўчиб ўтишига тўғри келди. Пу Сунглинг 1672 йилда ишини ташлаб, уйига қайтиб келади ва бошقا ҳеч қажон котиблик билан шугулланмасликка қарор қиласди. Унинг бу қарорга келиши «қўпол ўзбошимчалик ва маъмурий қоғозбозлико» билан муроса қилолмаслигининг оқибати эди¹⁰. 1710 йилда яна уйига қайтиб келган 70 яшар адаб маҳаллий бойларнинг болаларига дарс беришда давом этади. 1713 йилда у хотинидан жудо бўлади, 1715 йилнинг 25 февраляда эса ўзи ҳам вафот этади. Вафотидан ўн йил кейин Пу Сунглинг қабрига кўйилган ёдгорликдаги батафсил битикни унинг юртдоши Жанг Юан шундай сўзлар билан якунлаган эди:

⁹ Прушек Я. История китайской литературы. – Прага, 1970. – С. 46-48.

¹⁰ Устин Н.М. Пу Сунглинг и его просветительские взгляды. – М., 1970. – С. 53-54.

"Унинг асарларидаги фикрлар ва руҳгина унинг [номини] бизнинг кунлардан олиб, келажак асрларда қолиш имконини берди". Унинг таржимаи ҳолини ўрганганлар орасида Пу Сунглинг 1672-1692 йиллар мобайнида катта амалдор Би Цзюо хонадонида муҳтоҷлик кўрмай яшаган, деган фикр юради.

Пу Сунглингнинг ижодий мероси «Ляо Жайнинг гаройиб ҳикоялари» деган машҳур тўплам, ши ва чи жанрларида ёзилган кўплаб шеърлар,чувэн жанридаги асрлар (мулоҳазалар, сўзбошилар, бағишлилар, фу достонлари ва ҳ.к.)дан иборат.

«Ляо Жайнинг гаройиб ҳикоялари» асари Хитойда Пу Сунглинг ҳаётлик давридаёқ машҳур эди¹¹. Ушбу асар қўлёзмалари муаллиф вафотидан 50 йилдан кейин нусхалар кўчирилиб, кўлма-кўл бўлиб кетди, асар ҳалқ қиссанхонлари томонидан айтилди. Унинг биринчи расмий босма нашри 1766 йилга келибгина пайдо бўлди. Жэн Лисян, Жоу Цзихэ ва У Инси қўлёзмаларига асосланган бу нашр ташаббускорлари Янь Жоу Фу, Жао Чигао ва Бао Тинбо (1728-1814) эдилар. 431 ҳикоядан таркиб топган, изоҳлар ва лугатлар билан босмадан чиқсан, «Qing keting» китоб дўқони номи билан машҳур бўлган бу китоб кейинги нашрларга асос бўлди. Бу нашрлар эса манъҷкур, япон, инглиз, француз, немис, итальян, чех ва рус тилларига қилинган таржималар учун аслият ролини ўйнади. Кенг китобхонлар оммаси Хитойда Пу Сунглинг шеърлари, драматик ва дидактические асрлари билан асрлар тўпламишининг биринчи нашри босилиб чиққанидан кейин 1936 йилдагина танишишга муваффақ бўлдилар. 1948 йили Сифэн туманида «Liao Zhai zhiyi»нинг муаллиф дастхати топилди. Тўпламнинг деярли ярми (237 ҳикоя) ва уч сўзбошидан ташкил топган бу қўлёзманинг факсимиль нашри 1955 йилда босилиб чиқди.

Пу Сунглинг новеллаларининг ғоявий ҳусусиятлари ва сюжет тизими. Чинг сулоласининг Кан-Ши (1662-1722), Юн-Жэнг (1723-1735) ва Чян Лунг (1736-1795) сингари императорлари «Wen zi yu» (адиблар устидан олиб борилган суд жараёни) деб аталувчи тадбир воситасида мамлакатда қисман «тартиби» ўрнатишга муваффақ бўлдилар, асрлари ёки бир неча иероглифлари билан манжурларга қарши чиқишига журъат этган бир қатор шоир, олим ва ёзувчилар, жумладан, Жин Шэнг Тан, Ванг Шир Жэн (1634-1711), Сюй Шу Гу ва бошқалар қатл этилди¹². 1774 йилдан 1782 йилгача Хитойда ўттиз минг номдан ортиқ китобнинг кулини кўкка совурган 24 гулхан ташкил этилди. Шафқатсиз цензура жорий қилинди, чоп этилган китоблар текширудан ўтказилди, кўпчилиги қайта ишланди, бир қисми эса таъқиқланди. Улар жумласида "Уч подшоҳлик", "Қизил кўшқда кўринган туш", "Фарбга саёҳат", "Дарё ўзанлари" ва бошқалар бор эди.

Пу Сунглинг ҳақидаги маълумотлар камлигини ҳам ҳуқуматга номақбул бўлган адигба нисбатан «инدامаслик фитнаси» оқибати деб ҳисоблаш мумкин. Зоро, адиг ҳикояларининг довруги дунёга кетган бўлса-да, тўплам босилиб чиққанидан кейин ташкил этилган манжур император кутубхонасидан ҳам,

¹¹ Муаллиф сўзбошиси ушбу асарнинг 1679 йилда туталланганлигини тасдиқлайди. Қаранг: Хитой адабиёти. 4-жилд. – Пекин, 1994, 254-бет; Рифтин Б.Л. Китайская проза / История всемирной литературы. Т. IV. Раздел IX. Вып. 8. Гл. I. – М., 1973.

¹² Қаранг: Семенов В.И. Эволюция китайского романа. – М.: Наука, 1970. – С. 19.

унинг каталог ва рўйхатларидан ҳам жой ололмади. Шу боис Пу Сунглинг асарларини шартли равища чоп этилган «красмий» ва ҳалқ орасидагина сақланиб қолган, «қора рўйхатдаги асарлар» деб ҳам номланган ҳамда чоп этилмаган «нонрасмий» асарларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Минг сулоласи даврида хитой адабиётида турғунлик майдонга келган бўлса-да, таназзулга маҳкум бу адабиёт ичиди ҳалқ оммасидан ажралмаган адабиёт ҳам ривожланишда давом этди. Айниқса, бадиий наср – ҳикоя, қисса, роман алоҳида аҳамият қасб эта бошлади. Бадиий наср соҳасида «Jin gu qí guan» («Замонавий ва қадимги гаройиб қиссалар»)га ўхшаган йирик адабий ёдгорликлар пайдо бўлди ҳамда хитой адабиётида новелла жанри Пу Сунглингнинг «Ляо Жайнинг гаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» дунёга келиши билан ўз такомилини топди.

1962 йили хитой олими Ян Жэнъхай муаллиф дастхатини топиб, «Qing keting» китоб дўқони нашридагига қарагандга 70 та ҳикоя кўп бўлган «Ляо Жайжи» уч томлигини шарҳ ва изоҳлар билан нашр эттириди. Сўнг «Qing keting» китоб дўқонининг 1766 йил нашри ва муаллиф қўлёзмасидаги бир қатор новеллаларининг матнини тузиш устида иш олиб борди.

Давлат арбоблари жазманларининг номлари тилга олинган ёки хитой ҳалқининг қаҳрамонона кураши, босқинчиларнинг ваҳшшиликларига имо-ишора тарзида бўлса-да, акс эттирилган «Хабарчи шайтонлар», «Кичик тобутлар», «Жан оиласига мансуб аёл», «Фалаёнлар пайтидаги айрилиқ»¹³ ва бошқа ҳикоялар эса тўпламдан умуман чиқариб ташланган эди. Аслида, манжурларга қарши кайфият цензура маъқуллаган кўпчилик ҳикояларда ҳам мавжуд бўлиб, улардаги маҳфий маънени цензорлар назардан қочирган ёхуд тушуна олмаган, бу эса Пу Сунглинг юксак маҳорат билан кўллаган «эзоп тили»нинг шарофати эди.

«Ляо Жайнинг гаройиб ҳикоялари» тўпламишининг таркиби ва тузилиши. «Ляо Жайнинг гаройиб ҳикоялари» тадқиқотчилари сюжетлар тақоридан фойдаланиб, бу ҳикояларни муайян туркumlарга ажратадилар¹⁴. Тадқиқотчиларнинг фикрича, тўплам тақорланиш тамойилига асосий ташкил этувчи «қонун» ҳисобланадиган «бицизи»нинг классик тамойиллари асосида тартиб берилган. Пу Сунглинг асарларини мавзу жиҳатдан турли сюжет тўқнашувларида юзага келадиган бир қанча вариантларга ажратиш мумкин. Суд тизими мавзусида «ер юзидаги ҳаёт – адолатсиз, унда ҳалол иш кўрадиган маъмурлар ҳам, сотиб олинмайдиган ҳакамлар ҳам йўқ» деган фикр устивор. Ҳакам, маъмур адолатли ҳукм чиқарганлиги ҳақидаги асарлар аҳён-аҳён учрашининг боиси ҳам шунда.

¹³ Мазкур ҳикоялар Пу Сунглингнинг 1997-1998 йилларида нашр қилинган уч жилдан иборат тўлиқ асарлар тўпламига киритилган.

¹⁴ В. Эберхардт сюжетларни буддавайлик танқиди, маъмурлар табақаси танқиди, имтиҳонлар тизими танқиди, адлия органлари танқиди, манъҷкур (шу жумладан, хитой) аристократииси танқиди сингари туркumlарга ажратса, хитой тадқиқотчилари тўплам мавзусини муҳаббат ҳақидаги, ҳуқмрон синф ҳажвиёти, маъмурлар танқиди, имтиҳонлар тизими танқиди ва манъҷкурларга қарши кайфиятни ифодаловчи новеллалар тарзида беш туркумга ажратиб тасниф қиладилар; П. Устин бунга таълим тизими танқиди мавзусини қўшади; В. Алексеев ва О. Фишман Хитойдаги ҳақкуқулар ва урф-одатлар танқидини ҳам қўшиши керак, деб ҳисоблайдилар.

Тұпламда конфуциан имтиҳон тизими¹⁵ танқиди ҳам алоқида ўрин тутади¹⁶. Бундай новеллаларда давлат имтиҳонига кираётгандарнинг ҳаяжон ва умидлари ёрқин бүёқларда тасвирланса, «ўргамиёнани даҳодан фарқлай олмайдиган» имтиҳон олувчилик кескин танқид қилинади. Роҳиблар образи тасвирланган асарларни эса иримчилик, даосизм ва буддавийлик танқиди деб аташ мумкин. Роҳиблар адид тасвирида, бузук кишилар, қиморбозлар. У ҳар учала пантеон (буддавийлик, конфуцианлик, даосизм) худоларини аёвсиз фош этади. Пу Сунглининг севги мавзудаги новеллалари орасида инсонлараро севгига багишланганлари 200 га яқин бўлса, инсоннинг сеҳргар тулки ёки ўлган қиз руҳи билан яқинлиги ҳолати кўп учрайди. Олижаноб қароқчилар ҳақидаги новеллалар туркумида эса қаҳрамонлар, кўпинча, реал тарихий воқеалар фонида ҳаракат қиласидилар. Ёзувчи уларни «исенчилар», «кўзғолончилар», «қароқчилар» деб атаса-да, бирорта новеллада уларнинг оддий одамни тунагани ёки ўлдиргани учратилмайди.

«Фаройиб ҳикоялар»да персонажлар жиҳатидан ўхшаш новеллалар бир туркумни ташкил этишидан ташқари ушбу хусусий ҳодиса умумтиологик моҳият ҳам касб этади. Бу ҳол хотима деб атальмиш қисмларда қиссадан ҳисса чиқарилиши, яъни муаллифнинг воқеликка нисбатан муносабати берилишида акс этади. Бинобарин, 494 «Фаройиб новелла»дан ўқувчига бевосита мурожаат тарзда ёзилган хотималар 201 та (40%) бўлиб, 293 хотимасиз новелладан 151 таси новелладан кўра латифа ва, ҳатто, қайдларни эслатишини эътиборга олсан, бу миқдор ортиқ экани аён бўлади. Адид хотималари Пу Сунглинг ўз новеллалари гоявий мазмунига бефарқ қарамаганини тасдиқлади. Новеллалардаги персонажлар ижтимоий воқеликка бориб тақалади. Уларда инсоннинг жамиятдаги ўрни, аъмоли, одатлари, табиати, тақдирининг айни аҳволга боғлиқ экани алоқида таъкидланади, империя тузумининг ижтимоий тенгсизлик, мансабни суъистеъмол қилиш, пораҳўрлик, таълим ва давлат имтиҳонлари тизими каби турии салбий жиҳатлари кескин танқид остига олинган.

Иккинчи боб «Пу Сунглинг новеллаларининг манбалари» деб номланган. Мутахассисларнинг эътироф этишларича, хитой насли назмдан кейин пайдо бўлган. Қадим хитой беллетристикаси тарихий ҳасби ҳоллардан, фалсафий сұхбатлардан, рамзий ҳикояларда турли мўъжизаларни, ғалати ҳодисаларни тасвирлашдан, маиший ва тарихий латифалардан, эртак, афсона ва ривоятлар асосида юзага келган.

¹⁵ Давлат имтиҳонлари орқали амалдорлик лавозимларига тайинлаш тизими Хитойда Хан императори У Ди (мил.авв.140–87 йилларда ҳукмронлик қилинган) даврида вужудга келган. Танг императори ТайЗунг (милоднинг 627–649 йиллари таҳтада ўтирган) даврига келиб ту тизим яна ҳам тақомиллаштирилиб, расмий тус олди. Хитой тилида бу тизим «Кэжу» деб аталади, ўзбекча «ильм асосида мартабага эришиши» деган маънони билдиради. Танг сулоласидан бошлиб, яъни VI асрдан бошлиб давлат имтиҳонлари орқали лавозимга эга бўлиш учун барча ижтимоий табакадаги, ўзларини амалдор бўлишга лойиқ деб ҳисоблаган ёш ўйигитлар қатнашиш ҳукуқига эга бўлганлар. «Кэжу» Хитойда XX аср бошида бекор қилинган.

¹⁶ Бу мавзу маъносини В.М. Алексеев адабининг таржимаи ҳолига, унинг бир умр давом этган имтиҳонлардаги мудафиятсизликларига боғлаб талқин қиласиди.

Ўрта аср хитой филологлари тилида "чуанчи", яъни «сеҳрли нарсалар ҳақида ҳикоя қилиш» деб аталадиган қадимий новелланавислик ҳамда унинг силсиласида Пу Сунглинг ижодининг пайдо бўлишига ўзидан олдинги наср ривожи қулай шароит яратганлиги маълум.

Сужянг матнларининг ёзувчилар ижодига, хусусан Пу Сунглинг ижодига ҳам таъсир кўрсатгани шубҳасиз. Унинг, айниқса, Сун даври (Х–ХІІІ)да ровийликни касб қилиб олган шошуудилар ижодига таъсири катта бўлди. Улар «байхуадаги ҳикоя» ёки «коммабоп ҳикоя» деб атальмиш ҳалқ ҳикояси жанрини яратдилар. Эл орасида жяңгши ва шяошиб ровийлари айниқса машҳур эди. Жяңгши ровийлари хитой ҳалқининг ўтмиши, афсонавий жанглар, машҳур кўмондонлар ҳақидаги ҳикоялар ижрочилари бўлса, шяошиб ровийлари ижодида ишқий ва фантастик қиссалар, олижаноб шаҳзодалар, суд мажаролари ҳақидаги ҳикоялар етакчи ўрин тутади. Сун даври ровийлари ҳикоялари матнлари ҳам сақланиб қолган. Уларни хуабэн, яъни «ҳикоя учун асос» деб аташган¹⁷. Сунг хуабэнларининг хитой адабиётини демократлаширишдаги хизмати катта¹⁸. Бир қатор адабилар ўз асарларини хуабэнларга тақлидан яратгандар. Хуабэн услубида ҳикоя ёзиш, айниқса, Мин сулоласи (1368–1644 йиллар) ҳукмронлиги охирларидан кең оммалашди ва алоқида тўпламлар ҳолида нашр этилди. Улар ҳалқ тилида ёзилган ва юксак бадиий маҳорати билан ажralиб турган ёзма адабиёт сифатида майдонга чиқди.

Ўрта аср хитой новелласининг тадрижий шаклланиши ва Пу Сунглинг ижоди. Мўъжизавий (тотем, ҳайвон) хотинлар, баъзида эса никоҳ таъкидидан бузганлари учун йўқолиб қолган ва кўп синовлардан сўнг қайтиб келган эрлар ҳақидаги ҳақиқий архаик сюжетлар кузатилиди. Бу сюжетнинг архаиклиги биzon-хотинга, тулки-хотинга, илон-хотинга, игна-хотинга уйланиш, уларнинг ишлаб чиқариш қудратидан маҳсулот тайёрлаш бекаси сифатида фойдаланишда намоён бўлади. Уйланиш бу ерда, кўпгина сеҳрли эртакларда бўлганидек, мақсад эмас, воситадир¹⁹. III–VI асрлар хитой ҳикояларида бундай «бека»ларнинг бир муддат хотин қиёфаларини яшириб юришлари намоён бўлади. Жумладан, Ган Баонинг «Руҳлар ҳақида қайдлар тўплами»да қуш-хотин ҳақида ҳикоя мавжуд. Жаҳон фольклорида жуда кең тарқалган ушбу мотивда «Эртак фольклорининг Аарне тизими бўйича кўрсаткичи»²⁰дан фойдаланиши ва (Aath № 0313 индекси) «Оқуш қизга уйланиш» белгисини бериш мақсаддага мувофиқиди.

¹⁷ Хуабэн ижроидан ёзиб олинган ёки ижрода фойдаланилган матн ҳисобланаб, одатда, ровийнинг ўзи ёзган ёки ҳалқ шеъриятидан олинган ши ёхуд чи шеърлари билан пардоzlанади. Бирок, бянвэнларда шеърлар баъзан насрни матндан ҳам кўпроқ ўрин эгалласа, хуабэнларда уларнинг миқдори камроқдир. Бундан ташқари бянвэнларнинг шеърий қисми насрни матнни такрорласа, хуабэнларда шеърлар ҳикоя мазмунига табии тарзда бирнишиб кетади; табиат гўзалликлари, инсон фазилатлари, аёллик жозигаларини тасвирлашда, шунингдек, ҳикояда баён этилган фикр холосаси сифатида келтирилади. Пу Сунглинг асарларидаги изоҳ ва хулосаларни ҳам шу анъана давоми деб баҳолаш мумкин.

¹⁸ Қаранг: В.М. Алексеев. К демократизации старинной китайской литературы / Сборник в честь академика С.Ф. Ольденбурга. – Л., 1934. – С. 40–42.

¹⁹ Қаранг: Е.М. Мелетинский. Герой волшебной сказки. – М., 1958; Е.М. Мелетинский. Введение в историческую поэтику эпоса и романа. – М.: Наука, 1986. – С. 57–58.

²⁰ Андреев Н.П. Указатель сказочных сюжетов по системе Аарне. – Л., 1929.

Тотем хотин ҳақида тасаввур, яни маъбуда-хотин, сеҳргар хотиннинг янги тури майдонга келиши билан муқаддас, самовий хотин тимсоли пайдо бўлади. Биринчи ҳолатда, қаҳрамон ҳайвон-хотинга айёрлик билан (патини, терисини ўғирлаб) эришса, иккинчи ҳолатда муқаддас хотиннинг ўзи қаҳрамон олдига келади. Бироқ, никоҳ таъкини бузиш мотиви сақланиб қолади, бинобарин, самовий қизнинг сеҳрли совға бериши ҳам ўз кучида қолади. Дарвоқе, бундай хотин (маъбуда, рух, марҳума) қаҳрамонга фарзанд тугиб бермайди, балки шунчаки йўқ бўлиб кетади, ғойиб бўлади.

Бу давр ҳикоялари орасида, одатда, қабрни тўнаб кетишида айбланиш билан бирга келадиган, кўмилган нарсаларни сотиш мотиви ҳам мавжуд. Шундай қилиб, эртак мисолида қатъий шаклланган ҳамда намуна сифатида хотой насрининг қиссавий шакллари, хусусан, Пу Сунглинг сеҳрли новеллаларида кўлланган ўзига хос сюжет ясалиши қонунияти, барқарор сюжет композицияси пайдо бўлди.

Сунг даврида новелла жанрининг ривожланиши ва унинг ўзига хос ҳусусиятлари (960–1279 йиллар). Чуанчи новеллалари Танг даврида ёзма нутқнинг алоҳида ривоя шакли сифатида танилган эди. Бу жанрининг меросий аломатларидан айримлари XIV–XVII асрлар сеҳрли новелласида ҳикоянинг классик тури сифатида ўз такомилига эришиди.

Персонажлар муайян гуруҳи ва сюжет турларига кўра барқарор услуб касб этиши нуқтаи назаридан ушбу жанрда сеҳргар қизга уйланиш сюжети трансформациясини кузатиши мақсадга мувофиқdir. Сеҳрли новеллада энг тараққий этган ишқий мавзу аввалига қаҳрамон тотем-хотин (ҳайвон-хотин)га, кейин эса, сеҳргар қизга уйланиш мотиви гарзида намоён бўлган. Бундай сеҳргар қиз образи жуда машҳур – у ҳам эрига кўмаклашади, ҳам ҳалокат ва баҳтсизлик келтиради. Унинг жодугарлиги қора кийимлар, индамас хизматкорлар, гарбдан келиши сингарилар мисолида доимо таъкидлаб турилади. Асарда янги персонаж – гарбдан келган савдогар ҳам пайдо бўлади. Бу давр новеллаларида фольклор билан майший ҳусусиятларнинг чамбарчас боғлиқлиги кузатилади. III–VI аср новеллаларида ҳикоя шу воқеа билан тугар эди. Бироқ, XI асрда новелла баёни кенгайиб, қаҳрамонлар характеристикаси янада мураккаблашади – жодугар тулки башорат қилишни, даволашни билади, одамларга бойиш ёки қашшоқликтан сақланиш ўйларини ўргатади. Унинг ҳусусиятлари сеҳргарлар ва жодугар табиати ҳақидаги халқ тасаввуридан келиб чиқади ҳамда фольклор мотивлари ва майший усуllар бирлашиб, турмуш воқеиликлари, мўъжизалар ва гайритабиийлик чамбарчас боғланиб кетган ўзига хос оламни ташкил қиласди.

Тан ҳикояси «чуанъчи», яни «гаройботлар ҳақида қисса» номини Пэй Синг тўплами туфайли олган, жанр асосчиси новеллаларига атрофлича тўхталиши мақсадга мувофиқ. Пэй Синг новеллаларида сеҳргар хотин ҳақидаги мотив машҳурdir. Чунки, улар фавқулодда фольклорона характерда бўлиб, уларда ҳатто III–IV асрлар новелласида учрайдиган ҳайвон-хотин образи ҳам бор.

«Пэй Ханг» номли ҳикояда никоҳ синовлари ва сеҳргар хотин ҳақидаги мотив кўлланади. Адиб дастлаб ёйиқ сюжетнинг хилма-хил бошланишига эришади, кейин эса ҳикоя одатдаги тартиб асосида ривожланиб боради. Сюжет, гарчи, анъанавий бўлса-да, бу ўринда бизни асосан деталлар қизиқтиради. Воқеа кўп-

рик ёқасида рўй бериши бежиз эмас. Кўприк – ўзга олам билан чегара ҳудуди, кампир, сув, ёшартиргич гиёҳ, нефрит тошдан ўғир ва ўғир даста²¹ деталлари ҳам бежиз киритилмаган. Танг новеллаларининг фольклор сюжети таҳлилидан ҳам чуанчи сеҳргар қизга уйланиш мотивини бир қанча вариантларда намоён этиши кўзга ташланади. Пэй Синг асарлари мисолида ахлоқ-одоб борасида идеал адабий қаҳрамон вужудга кела бошлайди. Муҳими эса, тасвир объекти – сеҳргар қиз модели марҳуманинг руҳига, тулки-қизга айланади ёки умрибоқий бўлиб қолади ва бу ҳолат ҳикоянинг адабий дунёси тизимини ўзгартириб юборади.

Новеллаларда сеҳргар қизга уйланиш мотиви ва унинг трансформацияси. Хитой адабиётининг янги босқичида ривоят асоси кенгайди, илк бор табиат тасвири, инсон қиёфаси чизгилари пайдо бўлди ва фантастика ҳаётга яқинлашди, ишқий мавзу етакчига айланди. Сунг даври новелласидаги анъанавий жиҳатлар Лю Фу тўпламида «Яшил дарвазадаги олий тафаккур» новелласида янги бир кўринишда акс этди. Ушбу тўпламда, аслида, жодугар-тулкидан бошқа аёл образи йўқ. Сунг насрода, тулки-қиз комил гўзаллик соҳибаси, одамлардан фалати фарқлари мавжуд аёл сифатида гавдалантирилади ҳамда бу фарқлар ҳусниятнинг ўта чиройлилиги ёки аёлларга тааллуқли оддийгина юмушнинг уддасидан чиқа олмаслик тарзида намоён бўлади. Бинобарин, танг қаҳрамонидан фарқли ўлароқ, сунг новелласи қаҳрамони нисбатан «ҳаракатчан». Адибни қаҳрамоннинг ички, руҳий ҳолати қизиқтира бошлайди, бироқ булар ҳали баёндан иборат бўлиб, қаҳрамон ички оламини намоён этувчи баъзи ифодаларда акс этади.

Новеллалар тузилишига кўра бир хил бўлса-да, ягона сюжетли эмас. Муаллифлар анъанавий деталларни янгилаш билан бирга асарга янги маъно бахш этишга ҳам ҳаракат қилдилар. Новелланинг мазмуни, гоявий ҳусусиятлари хос бўлиб, уларда сюжет ривожи ва трансформацияси III–VI асрлар мифологик материалининг бадиий тизимга айланиш механизмини кузатиш мумкин. Сеҳргар хотин тўғрисидаги ҳикоялар шу сюжеттага бириктирилган, формулавий тақрорда ифодалаш мумкин бўлган мазмундаги сюжет қолипини юзага келтирди. Жумладан, мифологик унсурнинг сюжет деталига айланиш жараёнини сеҳргар қиз образи эволюциясида кузатиш мумкин. Вақт ўтиши билан қиз тимсоли ривожлана бориб, ташқи кўриниши, сеҳргарлиги, башорат қилиши, даволашни сингари алоҳида қисмларга ажралди ҳамда бу унсурлар сюжет тўқимасида барқарорлашди. Шундан келиб чиқсан ҳолда сюжет ривожланиши ҳам турли вазиятларда қизнинг пайдо бўлиши ва қаҳрамоннинг мукофотланиши сингари муайян кетма-кетлика амалга ошганини кузатиш мумкин.

Сеҳргар хотин (қиз) образини ташкил этувчи баъзи унсурлар ривожи айрим архаик элементларнинг алмаштирилишида акс этади. Қизнинг сеҳрли совфасидан мақсад моддий бойликка эришиш эди. Эртакда бу мотив ўзининг дастлабки кўринишида сақланади. Қиздан тараалаётган муаттар ҳид ёки жодугар аёлнинг гайритабиий гўзаллиги шулар жумласидан. Шундай қилиб, асосида сеҳргар қизга уйланиш мотиви ётган новелла ишқ мавзусидаги ҳикоя дарражасигача ўсиб

²¹ Нефритдан қилинган ўғир ва ўғир даста никоҳ муносабатлари рамзи ҳисобланади, бу рамзни Пу Сунглин «Жяонян ва унинг жазмани» новелласида кўйлаган.

етди ва XVII асрга келиб, сеҳрли новелланинг типологик ва эстетик мезонлари шаклланди. Пу Сунглинг эса бу жанрга ўзига хос тугаллик бағишилади.

Учинчи боб «Пу Сунглинг сеҳрли новеллаларининг тузилиши ва бадијити» деб номланган.

Пу Сунглинг новеллаларида гайритабиийлик унсури. Адиб новеллаларининг тузилиши, таркибий қисмлари, персонажлар силсиласининг классик чизгилини белгиловчи янгича тусдаги сюжет варианти заифлашган. Пу Сунглинг сеҳрли новеллаларида анъанавий белгилардан ҳисобланмиш фантастика устуворлик қылса-да, янги – зўравонликка асосланган оламда инсон тақдирни мавзуси ҳам майдонга келди. Гайриоддийлик, ҳайратомуз воқеалар баёни Пу Сунглинг ҳикояларининг асосини ташкил этди, ёзувчининг гайритабиий ҳодисалар хусусидаги ҳикоялари («Тулки афсунлари»)²² дагина эмас, балки гайритабиий персонажлар қатнашмайдиганларида ҳам мавжуддир.

Пу Сунглинг жаҳон фольклорида маълум ва машхур мотивлардан ҳам унумли фойдаланган. Жумладан, «Ўлмас Су»²³ новелласида «мўъжизавий ҳомила» мотиви учрайди. Қиз йўсин қоплаган улкан тош устида кир ювиги ўтириб, уйга қайтгач, ҳомиладор бўлиб қолганини сезади. Бир қатор новеллаларда эса ўзга оламда кўлга киритилган олтиннинг бу дунёда ахлатга айланиб қолиши ёхуд «Осмондан тушган пуллар»²⁴ новелласида бўлганидек, олгин ва кумушларни гайритабиий мавжудотдан ҳам олиш мумкинлиги сингари кенг тарқалган мотивларни учратиш мумкин.

Пу Сунглинг асарларининг яна бир жиҳати – макон ва замон чегараларининг олиб ташланганидир. Жумладан, сеҳргар тулки талабани ўзи билан дўстлар зиёфатига олиб кетади ва бир неча дақиқада улар минг ли²⁵ масофани босиб ўтадилар («Хәцзян талабаси»)²⁶; Сеҳргар тулки ўзини хафа қилган талабани судраб, осмони фалакка олиб чиқади ва ерга ташлаб юборади, у уйидан 400 ли узоқликда ўзига келади («Чжэдунлик талаба»)²⁷. «Тулки афсунлари» тўпламидағи деярли барча новеллалар айни бир сюжетни акс эттиради: инсон гайритабиий кучга дуч келади; учрашувнинг қандай вазиятда юз берганлиги, инсон учун оқибатлари ва, асосийси, бу вазиятда, инсон ўзини қандай тутиши – бош сюжетдан келиб чиқсан янги варианtlардир.

Сеҳргарлар, одатда, тулкилар, илонлар, мархумлар бўлиб, хитойларда уларнинг хизматкорлари ҳам бўлади («Кулгили Йин Нин»)²⁸, улар аёл қиёфасига киради («Тўргинчи Ху»)²⁹, Тулки қизини узатади («Жодугар Лян Шянгт»). Улар севиб қоладилар, садоқатли бўладилар, бироқ охир-оқибатда кулфат келтирадилар. Одамнинг от, қурбақа, қўй, ўрдак, қайин, урчук ва бошқа нарсаларга айланаб қолиши ҳолати кўп учрайдиган ўзбек, рус, араб фольклоридан фарқли

²² Pu Songling. Quanji, sance. Xuelin chubanshi. – Shanghai, 1998 nian. Dierce, 236 ye.

²³ Pu Songlingji. Quan ese. Shanghai guji chubanshi. – Shanghai, 1986 nian. Diyice, 371 ye.

²⁴ Махмудхўжаев М., Зиямухamedов Ж. Ляожай ривоятлари. 1-қисм. –Т., 2003. –Б.8.

²⁵ Ли – ўлчов бирлиги (1 ли – 500 метрга тенг).

²⁶ Pu Songling. Quanji, sance. Xuelin chubanshi. – Shanghai, 1998 nian. Dierce, 410 ye.

²⁷ Pu Songling. Quanji, sance. Xuelin chubanshi. – Shanghai, 1998 nian. Disance, 183 ye.

²⁸ Махмудхўжаев М., Зиямухamedов Ж. Ляожай ривоятлари. 2-қисм. –Т., 2003. –Б.77.

²⁹ Pu Songlingji. Shanghai guji chubanshi. – Shanghai, 1986 nian. Dierce, 326 ye.

ўлароқ, хитой эртак ва новеллаларида сеҳр-жоду оқибатида қиёфаси ўзгарганлар ўз ҳолига қайтмасликлари билан ажралиб турадилар.

Бир қатор ҳикояларда ҳалқнинг гайритабиий кучлар ҳақидаги тасаввuri акс этса, баъзан хитой ақидаларининг унсурлари ҳам намоён бўлади. Бундай ҳолларда гёё филолог-этнограф Пу Сунглинг ҳикоянавис Пу Сунглингдан устун келаётгандек таассурот қолдиради. Бу элементлар муайян тизимга жамланса, қадимги хитой диний тасаввурлари йигиндиси эканлиги маълум бўлади. Жумладан, «Сеҳргар роҳиблар» тўпламидағи кўпгина ҳикоялар «тирик-ўлий» муқобил ҳолатига асосланганлиги ўликлар руҳи тўғрисида барқарор тасаввур ҳосил қилиш имкониятини яратади. Қадимги хитойларининг ирим-сиримлари ва ақидаларининг унсурлари эса Пу Сунглингни ҳалқ ақидалари ва диний тизимнинг асл хитойча, ҳалқчил ҳамда ўзга муҳитлардан кириб келмаган қисми қизиқтирган, деган холосага келиш имконини беради. Унинг ҳикояларида худоларнинг вакиллари деярли учрамаслиги ҳам мумкин. Келтирилган мисоллар ҳалқ ақидаларининг барқарорлигидан далолат беради. Бинобарин, сеҳргар хотинга уйланиш мотиви асос бўлиб хизмат қилган новеллаларда архаик тасаввурларнинг қолдиқлари Пу Сунглинг ижодида ёрқин талқинини топган. Ишқий можароларнинг бир хил бўлиб қолишига олиб келган. Назаримизда, ёзувчи сюжетнинг барқарор ўзаги, асосини ўзгартириб бўлмайдиган нарса деб ҳисоблаган.

Пу Сунглинг новеллаларининг сюжет тараққиёти. Пу Сунглинг адабиётда мавжуд сюжетларни қайта ишлаган, бир неча мотивни бирлаштирган, чуаньчи новеллаларининг янгича баён тизимини яратган бўлса-да³⁰, булар бор-йўғи ташки ӯҳшашлик, холос. Чунки, ҳар бир муаллиф одатдаги композицион «синч»ларни ўзининг янги мазмуни билан тўлдиради, қандайдир янги нарса қўшади. Ва, муҳими, бугунги кунда нуқсон сифатида қабул қилинган «тақлид» қадимги ва ўрта асрларда мутлақ ўзгача илдизлари ва руҳига эга бўлган. Бинобарин, Пу Сунглинг ҳам анъанавий сюжетдан фойдаланаар экан, қаҳрамон хатти-ҳаракатини келтириб чиқарган сабаблар ва новелла умумий муқаддимасига алоҳида эътибор беради. Маълум сюжетларнинг бу турдаги контоминациясига «Кузги ой» ҳикояси мисол бўлиши мумкин. Ҳикоя Тант ҳикояларининг бир неча китобий сюжетлари ҳамда бир неча фольклор мотивлари қайта ишланиши ва бирлаштирилиши асосида юзага келган. Бу ерда «бўш тобут»ни ҳам, «ку дунёдан» қайтиб келишни ҳам, сеҳргар қиз, унинг совғаси, ер ости оламига саёҳат, қайта тирилиш ҳақидаги даос тасаввурларини, ўнгидан келган туш, сеҳрли афсунни ҳам учратамиз.

Пу Сунглинг новеллаларининг композицияси пухта-пишиқлиги, тугаллиги билан ҳам эътиборга лойиқ. Одатда, ҳар бир эпизод бир хил микдордаги «сюжет силжишлари» билан тугайди. Бунда «сюжет силжиши» воқелик ривожига таъсир этиш-этмаслигининг аҳамияти йўқ. Жумладан, Хун Юй қатнашган эпизодлар ҳажман бир хил бўлиб, ҳикоя боши ва охирини боғлаб туради. Буни

³⁰ «Ўрта асрлар ёзувчиси сюжетлар кашф этмаган, у асарини гёё фақат қайта баён этгандек яратган ва бир вақтлардаги мотивларни бирлаштирган» каби қарашиблар акс этган манбаларга қаранг: Грифцев Б.А. Теория романа. – М., 1972; Яна: Рифтин Б.Л. Типология и взаимосвязь средневековых литератур / Типологии и взаимосвязь средневековых литератур Востока и Запада. – М., 1974. – С. 32-35.

адибнинг севимли композицион усули десак ҳам бўлади. Шундай қилиб, ҳикоя жараёнида персонаж ҳамда воқеа вақтининг алмашинуви эпизод алмашинуви сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари Пу Сунглинг новеллаларида воқеа замонда ҳам, маконда ҳам кенгайиб боради. Баъзи новеллаларнинг макон чегараси реал жўғрофий ҳудуд билан мувофиқ келади, масалан: «Цзянси вилоятлик Мин Лун-тань бир вақт йўл-йўлакай Пекингга бориб қолибди» («Нақшил де-вор»); «Ҳикоя қилишларича, Шаньдун вилоятининг Ляо тоғларида...» («Ляо тоғлик даос»); «Венъден туманлик талаба Жоу» («Ченнинг авлиёга айланishi»); «Цзюй Яо-шу Цинчжоуда яшар эди» («Цзюй яо-шулик Даос»); «Фуцзянь вилоятлик иккинчи даражали номзод Цзэнь пойтахтнинг «Ёш сарой»ида зафар қучди» («Шовла пишгунча»). Вақт қамрови ноаниқ мазмундаги «кунлардан бир кун», «бир маҳал», «икки йилдан сўнг»лардан ташқари тарихий вақтга у қадар мувофиқ келавермаслиги эса ёзувчи ижод қилган давр цензура шароитлари билан боғлиқ бўлса керак.

Пу Сунглинг новеллаларида фантастик майдон ҳам мавжуд. У ўзгача замон ўлчамлари хос бўлган афсонавий мотивлар асосига курилган. Реал оламдан фантастик оламга ўтиш, одатда, объектив вақт ривожи бузилиши билан ҳамқадам бўлиб, қаҳрамоннинг ўзга оламга ўтиши бир зумда рўй беради. «Ляо Жайнинг гаройиб ҳикоялари» ягона мавзу, сюжет тузилиши ёхуд персонажлари билан ўзаро боғланган қисмлардан ташкил топувчи бир бутун бадиий тизимлигини тасдиқлайди.

Пу Сунглинг новеллалари қаҳрамонлари ва улар тасвирланган мухит. Пу Сунглингнинг сеҳрли новеллалари эртак ё ҳаётӣ, ёзма фольклор асарларига алоқадорлиги гайритабии материялнинг ўзига хослиги ҳамда сюжетнинг архайик фольклор тасаввурларига бориб тақаладиган коллизияси билан ҳам ҳарактерлидир. X аср новелласи бир эпизодлилик ва персонажлар бир хиллигини қисман бартараф этиб, новелла оламига ўз замонаси одамлари ва муҳитини – билимдон соҳибжамол қизлар, ёш олимлар, вазирлар, қўмондонларни кириктган эди. Пу Сунглинг бу борада янада олға борди. Унинг қаҳрамони умумлашма – оддий талаба ёки деҳқон эди. Шунингдек, сюжет чизгилари ва конфликт ҳарактери аёл қаҳрамонлар турига мувофиқ равишда юзага келади. Агар марҳума пари қиз ёки самовий пари бўлса, воқеа сеҳргар хотин ҳақидаги мотив доирасида ривожланади, қаҳрамон ерлик аёл бўлса, кўп ҳолларда новеллада хотинни ўтираб кетини ва уни ахтариш мотивидан фойдаланилади.

Пу Сунглинг жанр стилистикаси ҳамда Танг ва Сунг ҳикоялари анъаналари ни сақлаган ҳолдага биноан новеллаларига қаҳрамонларнинг асрлар давомида пухта ишланиб, сайқалланган турини киригади. Бироқ, уларда ҳали персонажларни ажратиб турадиган портрет деталлари йўқ. Бизнингча, ёзувчи ижодида қаҳрамонлар тавсифи кўпроқ вазифавий ҳарактерга эга бўлиб, уларнинг ҳаракатларини асослашга хизмат қиладиган жиҳатларини алоҳида таъкидлайди. Унинг асарлари бош қаҳрамонлари орасида салбий персонажлар ҳам, комик ва сатирик персонажлар ҳам учрамайди. Сеҳрли новелла персонажи тургун бўлиб, унинг хатти-ҳаракати олдиндан белгиланган. Шу боис ҳам Пу Сунглинг сеҳрли новеллага персонажни руҳий тасвирлашнинг ўзгача тамоилиларини жорий этади

ва қаҳрамон ҳаракатининг ҳақиқий, конкрет фондаги манзарасини намоён қиласди. Унинг қаҳрамони бутун ҳикоя давомида тургун бўлса-да, сюжет ривожи давомидаги воқеалар уни ўзгартириб, у дунёга ўзгача нигоҳ билан қарайдиган бўлиб қолади. Шундай қилиб, ёзувчи баёнчилик анъанасини бузмасдан бир қолипдаги вазиятдан чиқишига эришди. Зоро, унинг қаҳрамони асосий ҳикоя доирасидан ташқарида - «хотима»да, янгича ҳолатда намоён бўлади. Унгача хитой адабиётида қаҳрамонлар ҳаракатини бундай тасвирлаш усули маълум эмас эди. Пу Сунглинг, эҳтимол, бу билан қаҳрамони яшайдиган ва ҳаракатланадиган айри оламни яратиш ва у ҳақда ҳикоя қилиш борасида илк қадамни ташлагандир.

Қаҳрамонлар образининг барқарорлиги Пу Сунглингда кескинроқ акс этишининг ўзиёқ ҳарактерни, феъл-авторни асослайдиган хусусиятдир. Адип новеллаларининг адабий қаҳрамони ҳамиша алоҳида вазиятда яшайди ва ҳаракат қиласди (танг ва сун новеллалари ҳамда фольклорда бу ҳамма вақт ҳам сезилавермайди). Ёзувчи бу вазиятни бальзида батафсил, бальзан эса айрим чизгилар билан тасвирлайди. Пу Сунглинг новеллаларидаги тасвир бирор мақсадга қаратилган ва муайян ягона вазифага бўйсундирилган. Ўрта асрлар эстетик анъаналари, хукмрон услуг ва қоидаларига мувофиқ, муаллиф гайриоддий нарсага алоҳида эътибор беради. Пу Сунглинг тасвирий усулларининг янги тамоилилари, айниқса, ўзга олам манзаралари тасвирида ёрқин намоён бўлади. Пу Сунглинг новеллаларидаги ўзга олам манзаралари ҳам халқ тасаввурлари билан чамбарчас боғлиқ. Ўзга оламлик хизматкор, хабарчи, пособон – қора ёки сариқ кийим кияди, кўйлакнинг яшилини руҳнинг ўзгу ишлар қилювчилиги аломатидир. Ўзга олам мавжудотларини тасвирлап учун ҳам ёзувчи реал нарсаларни танлайди. Шунинг учун, ўзга олам реал майда-чўйдалардан яратилгандек таассурот қолдиради. Чуанчи адабий анъаналари учун тасвирлашнинг бундай усули том маънодаги янгилик эди.

Пу Сунглинг новеллаларидаги инсон тасвири. Пу Сунглинг новеллаларидаги персонажлар портретлари катта жой эгаллайди. Бироқ, одамлар ихчам тасвирланган, асосийси эса, улар индивидуаллаштирилмаган бўлиб, кўпда ўзгартмаган ҳолда бир новелладан иккинчисига ўтиб юраверади. Масалан: «мисли кўрилмаган соҳибжамол»; «шаҳарларга ғавғо солувчи ўн беш-ўн олти ёшлардаги қиз»; «унинг жамолидан мислсиз гўзлллик ёғилиб турар эди»; «ярқираб турган жозиба». Само аҳли ва оддий қизларни эса ёзувчи умумий иборалар билан тасвирлайди: «Кўзларнинг нозли нигоҳлари ақл бўлиб қўйиларди. Ингичка тол гўзаллик ўйготарди» («Сеҳргар тулки»); «ноzik қомат нозли жозиба ҳосил қиларди» («Сеҳргар тулки»). Эрқаклар портретлари янада ихчам бўлиб, нисбатан оз: «оппоқ юзли ва кичкинагина мўйловчали талаба»; «қараашса, олтмиш ёшлардан ошмаган, эгнига атлас тўн, оёғига қизил этик кийган эпчил йигитчалар елиб югуриб юришибди»; «Хэшан Ти Кун Цинчжоуда икки мусоғир роҳибни кўрганини гапириб берди: уларнинг қиёфаси қандайдир гаройиб, замонга мос эмас, кулоқларига биттадан ҳалқа тақиб олишганди. Эгниларида сариқ кийим ва соchlари жингалак эди». Пу Сунглинг эрқаклар қиёфасини тасвирлаганда ҳам бир хил сўз ва иборалар ишлатиб, умумлашма тасвирлардан фойдаланади, уларни мавжуд гўзаллик белги ва рамзлари орасидан танлаб олади.

Пу Сунглинг персонажларнинг эмоционал ҳолатига, ташки кўринишига (кўл ҳаракатлари, мимикага) катта эътибор беради. Бу билан хафагарчилик, ҳайгу, ҳаяжон каби ҳиссиётларнинг ишончлироқ чиқиши таъминланади.

Кўл ҳаракати ва тана ҳолати орқали ифодаланувчи энг кўп учрайдиган кўркув, ҳайрат, қувонч, хижолат сингари ҳиссиётлар Пу Сунглингда турлича шаклда намоён бўлади. Масалан, кўркув – «Ху қаттиқ кўркиб кетди, бир зумда ранги оппоқ оқарди»³¹; «Дяннинг кўрқанидан оғзи очилиб қолди»³². Кўнгил изтиробларининг энг батафсил ва нозик тасвири, дейиш мумкин бўлган ҳолатни «А Шю ва унинг қиёфадоши» новелласида учратамиз: «Дўконда учратган қизни севиб қолган Лю ўзини кўярга жой тополмади. У ўзи сотиб олган нарсалари – хушбўй рўмолча, қизартиргич, упаларини олиб, уларни яширин қутичасига қулфлаб кўйди ва ҳар сафар атрофида ҳеч ким бўлмаганди, эшикни беркитиб, у ёки бу нарсага кўл текказиши орзусида нафасини ютиб, уларнинг ҳар бирини қайта-қайта кўздан кечираш эди. Қиз у билан учрашув белгилаганида, Лю севинчидан терисига сигмас эди. Узоқ ўйлаб, кейин қадамига эрк берди»³³. Пу Сунглингтacha хитой адабиёти бунчалар батафсил, психологик ишончли тасвири ҳали кўрмаган, китобхон эса Люнинг ҳолатини ақалли ўзининг ҳаёт тажрибасидан «билиши» мумкин эди. Шундай қилиб, ёзувчи китобхонни гўё хаёлан ишонтиради ва ҳамдардликка чорлайди.

Пу Сунглинг сеҳрли новеллаларининг услубий хусусиятлари. Классик билимдан бехабар китобхонга Пу Сунглинг новеллалари қийин тушунилиши табиий. Асарларда қочиримлар, атамалар, тасвиirlар ва иқтибосларни шарҳларсиз тушуниши мушкул. Новеллалар «вэньянь»³⁴ адабий тилида ёзилган. Матнларни асл тилида тушуниши учун классик адабилар, тарихчилар, файласуфлар, шоирлардан келтирилган парчаларни ўқиши китобхондан яхшигина тайёргарлик ва билимдон бўлишни ҳам тақазо этади. Ўша даврда Хитойда ёзувчиларнинг баён услубига, тилига катта талаблар кўйилган эди. Я. Прушекнинг фикрича, Пу Сунглингнинг асосий мақсади асарларининг барчага маъкул бўлишидир. Чунки у вэньянь тилини жуда яхши билган, қадимий адабиёт билан яхши танишган, асарларида эса буни исботламоқчи эди. Бинобарин, Пу Сунглингнинг асосий маҳорати – нарса ва ҳодисаларни тасвиirlashi учун унгача ҳеч ким ишлатмаган, энг мураккаб адабий тилдан, иқтибослардан, адабий ишоралардан, поэтик образлардан фойдаланишида эди.

Пу Сунглинг новеллаларида насрий иқтибосларнинг кўплиги диққатни жалб қиласди. Иқтибослар ёзувчи билимдонлиги ва ўқиган китобларининг миқёсидангина эмас, улар ёрдамида образ ва гояларнинг янада кенгроқ миқёсга эришганидан ҳам дарак беради.

Пу Сунглинг асарларида ўзгармас шаклдаги, ўзига хос қолип, формуналар, новелладан новеллага ўтиб юрадиган - «муз ўрнига» ва «муздаги болта» - совчи,

³¹ Pu Songling. Quanji sance. Xuelin chubanshi. – Shanghai, 1998 nian. Disance, 513 ye.

³² Pu Songling. Quanji sance. Xuelin chubanshi. – Shanghai, 1998 nian. Disance, 684 ye.

³³ Pu Songlingji. Quanerce. Shanghai guji chubanshi. – Shanghai, 1986 nian. Diyice, 728 ye.

³⁴ Вэньянь – классик хитой ёзма адабий тили бўлиб, 1919 йилгача Хитойда хукмрон тил бўлиб келган. Ҳозирда эса унинг ўрнини байхуа замонавий ёзма адабий тили эгаллаган.

«Гул дараҳт» ва «тумандаги гуллар» - сатанг аёт, «яшил ўрмондан чиққан киши» - қароқчи; «яшил кулба» - келиннинг хонаси, «оқ кўз билан қарамоқ» - ёвузлик; «тӯла кўз билан қараш» - ҳурмат билан қараш, «гапини еб қўймоқ» - вавъдасида турмаслик сингари образли ифодалар ҳамда нарса ёки ҳодисанинг номи ёрқин ҳаётий манзара ҳосил қиласидиган, унга хос бўлган асосий хусусият ва белгилар тасвири билан алмаштириладиган перифраза ҳам муҳим ўрин тутади. Жумладан, «ўз капасини тикмоқ» ибораси - «жаҳд билан илмга берилмоқ» маъносини англатади. Бу ибора қадимги олимлардан Дун Жуншу (э.а. 179-104)нинг ишлатган ибораси бўлиб, илмга берилиб кетгани, ҳатто уч йил мобайнида боғига ҳам чиқмагани ҳақидаги ривоятдан қолган. Пу Сунглинг анъаналарга риоя қилган ҳолда иқтибосларни ҳеч ерда ажратиб кўрсатмаслиги, манбасини ҳам келтирмаслиги тўпламларни шарҳлашда катта қийинчилик тугдидиради. Пу Сунглингнинг сўз бойлиги бениҳоя кенг. Жумладан, унда «мен гўё галасидан айрилган ўрдакча мисол етимчаман»; «учрашувимиз, гўё сувга тушган дарахт баргларидек, тасодифан юз берди»; «гўзаллиги шафтолидек, олхўридек, совуқлиги қирор ёки қордек»; «яшмадек мусаффо», «телба-тескари заргалдоқча ўхшамайдиган сўлигандол»; «парвоз қилувчи тулшорлар»; «у хонада қафасдаги қушдек чарх урадди» сингари кўтаринки услугуга хос ҳамда кундалик нутқ, адабий ренинсценция, вульгаризмлар ҳам кўплаб учрайди. Асарларга ҳалқона нутқнинг киритилиши, одатда, новелланинг мазмунига боғлиқ. Масалан, «генонаде лай?» – «Қаердан келиб қолдинг, биродар» – деб сўрайди аллақачон ўлиб кетган акасини кўрган киши; «хуа ni dan si! Bu jie ren er huo?» – «Ҳой, тулкининг кули! Ўлганинг яхши, билдингми. Нима, сен жазоингни олмай, одамларнинг бошини қотириб юравераман, деб ўйлайсанми?»

Шундай қилиб, ёзувчи имкон қадар бадиий воситалардан кенг фойдаланган. Бу эса мўъжизалар ҳақидаги ҳикоялар, айниқса, ҳалқ тилига яқин тилда ёзиладиган новеллалар анъанасига хилоф эди. Бироқ, Пу Сунглинг чуанчи наслига новеллага хос тугал шаклни бахш этди, уни пухта ўйланган ҳамда сайқал топган сюжет чизиги билан бойитди.

Пу Сунглинг новеллалари бўйича олиб борилган тадқиқот қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1. VIII–XIV асрлар хитой новеллалари мавзу доираси ва гояси жиҳатидан Ўйғониш даври европа ҳалқлари адабиётидаги новеллалардан сезиларли фарқланади. Шу боис Пу Сунглинг новеллаларига нисбатан «юксак реалистик» таърифини кўллаб бўлмайди. Уларни «фантастик» деб номлаш ҳам қийин. Назаримизда, уларга «сеҳрли» таърифи кўпроқ мувофик келади. Зоро, Пу Сунглинг тўпламлари номидан келиб чиқиб, унинг асарлари сеҳрли эртаклар ва III–VI аср мифологик манбалари билан ҳамнафас, дея ҳукм чиқариш мумкин. Аслида, тадқиқотимиз тузилиши ва вазифаларини ҳам шу нарса, яъни - Гань Бао, Тао Юань-мин, Гэ Хунг ва бошқаларнинг (III–VI аср) сеҳрли эртаклари ва мифологик ҳикояларига мурожаат этиш зарурати белгилаб берди.

2. Новеллалардаги фольклор мотивлари этнографик материалнинг бадиий тизимга айланиш жараёнини кўрсатади. Бу жараён сеҳрар хотин ҳақидаги мотив эволюциясида ва, ҳатто, Пу Сунглинг ижодида ҳам, аста-секинлик билан

бўлса-да, XIV–XX асрлар новеллаларининг ишқий сирларига айланишида, айниқса, ёрқин намоён бўлган. Пу Сунглинг новеллаларининг ўзига хослиги шундаки, улар новелланинг бошлигич генетик алоқадорлик аломатларини ҳамиша сақлаб келган. Пу Сунглинг эски фольклор мотивларини тадрижий тараққий эттира олди, ўзгартиришга муваффақ бўлди ҳамда новелла анъанасининг ривожланиш жараёнини бошлиб берди. Бу жараён фольклор материалининг деталларни қайта идрок этиш, фольклор юклаган вазифалар ва формула каби такрорларни бартараф этиш йўли билан юксак адабиётга хос бадиийлик баҳш этиб, аста-секин ёзма баёнга айлантиришдан иборат эди.

3. Пу Сунглинг психологик жиҳатдан асосланган шахсни тасвирлаш орқали персонажлар характеристини чуқурлаштиришга интилган, бадиий тасвир воситалари ёрдамида уни динамик тарзда кўрсатишга ҳаракат қиласи, персонажлар на зокати, кийим-кечаклари, туриш-турмушки ҳамда уй жиҳозлари тафсилотларини тасвирлашга эътибор берган. Пу Сунглинг асарларига метафора, ўхшатиш, ментонимия, насрой ва шеърий иқтибосларни кўп кўллаш хосdir. Муаллиф сифатида индивидуаллиги билан ажralиб туради. Бу ҳол муаллифнинг «Хотима»ларида ҳам акс этган. Новелла, айниқса, сеҳрли новелла фольклордан ўзлаштирган тайёр сюжет композицияларини бартараф этиб, ўз ўрнига эришишида Пу Сунглингнинг хизматлари катта.

4. Пу Сунглинг эски мотивларни ўзаро туташтириб, ягона сюжет ҳосил қиласи. Эски турдаги қаҳрамонларни сақлаб қолган ҳолда баён мавзусини кенгайтиришга интилади. Шуларнинг барчаси умумлашган ҳолда унинг бадиий оламини воқеликка имкон борича яқинлаштирган ҳолда шакллантиради.

5. Пу Сунглинггача файриоддий нарсалар ҳақида новелла яратувчиларни ҳар бир алоҳида ҳолат, ҳар бир алоҳида ҳодиса мустақил ҳолда қизиқтирган бўлса, Пу Сунглинг XVII аср охири ва XVIII аср бошлиари хитой жамияти турли қатламлари ҳаётининг яхлит умумлашма манзарасини яратади.

6. Сюжетлар ва деталлар ўхшашлигига қарамасдан, Пу Сунглинг новелларини тақлидчиликка йўйиб бўлмайди. У фольклордан ёки кўп тарқалган тўшламлардаги сюжетни ўзлаштириб, янги мазмун билан тўлдиради, персонажларнинг янада чуқурроқ ва ҳаётйроқ тавсифини яратади ҳамда ҳикояларига муаллиф муносабатининг салмоқли қисмини ташкил этган хотималар туфайли янада чуқурроқ мазмун баҳш этади. Пу Сунглинг ижодий ўналиши аслида гаройиб воқеаларнигина назарда тутмай, қарама-қарши мақсадни ҳам кўзда ту тади. Шу боис унинг асосий вазифаси инсонни тасвирлашдир.

7. Пу Сунглинг новеллалари ўзигача бу жанрда ёзилган асарлардан кўп жиҳатлари билан ажralиб туради. Бу ёзувчининг ижодий индивидуаллиги билан боғлиқ бўлиб, тафсилотларни турлича тасвирлашларнинг ўзаро нисбатида, дидактика, инсонни тасвирлаш усуслари, услугуб ва тил, иқтибос келтириш усули кабиларда акс этадиган ўзига хосликларда кузатиш мумкин.

8. Пу Сунглинг, гўё жанрнинг ҳукмрон тартибларини бузади, йиллаб шаклланган тил анъаналари ҳамда жанр таркибини ўзгартириади ва янги психологик насрга йўл очади. Новелланавислик соҳасида ўзига хос мактаб яратади.

Ҳали Пу Сунглинг ижоди турли ўналишларда ва ҳар томонлама муфассал ўрганилмоғи лозим. Айрим соҳалардаги дастлабки кузатишларнинг ўзиёқ унинг ўзига хос ва оригинал ижодкор эканлигини тасдиқлайди. У ўзидан олдинги новелланавислар тажрибасидан ижодий фойдаланиб, жанрнинг бадиий имкониятларини кенгайтириди ва ривожланишнинг янги сифат босқичига кўтарди. Чекчегара билмас хаёлот олами, фикр теранлиги, нозик услугуб сингари ўзига хосликлар Пу Сунглинг ижодига узоқ вақтлардан бери мутахассисларнинг, шу билан бирга кенг китобхонлар эътиборини ҳам жалб қилиб келмоқда.

Турмуш тарзи ва урф-одатларининг қамров кўлами кенглиги жиҳатидан Пу Сунглинг билан ёнма-ён қўйишга лойиқ бирорта замондош ёки унгача ўтган ёзувчини тошиш амри маҳоддир. Шу сабабли ўзбек китобхони учун ушбу хитой адиби асарлари билан танишиш улкан эстетик завқ бағишилади.

Диссертациянинг асосий моҳияти қўйидаги ишларда ўз аксини топган:

1. Зиямуҳамедов Ж. Хитой новеллистикаси ва Пу Сунглинг асарларининг ўрганилиши // Шарқшунослик. – 2003. – № 2. – Б. 67-79.
2. Зиямуҳамедов Ж. Великий китайский новеллист – Пу Сунглинг (Общая характеристика волшебных новелл) // Востоковедение. – 2003. – № 1-2. – С. 45-48.
3. Зиямуҳамедов Ж. Ўзбекистонда «Ляо Жай»нинг ўрганилиши // Ланжоу ахборотномаси. ХХР, Ланжоу шаҳри, 2004. – Б.12 (хитой тилида).
4. Зиямуҳамедов Ж. Пу Сунглинг Хитой новеллалари // Жаҳон адабиёти. – 2004. – № 7. – Б. 109-123.
5. Зиямуҳамедов Ж. Пу Сунглинг ижоди ва унинг баъзи хусусиятлари // Академик У. Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси материалы. – Т., 2004. – Б. 61-62.
6. Зиямуҳамедов Ж. Пу Сунглинг асарларига таъсир кўрсатган омиллар // ТошҶШИ илмий конференция мақолалар тўплами. – Т., 2004. – Б. 60-64.
7. Зиямуҳамедов Ж. Хитой адабиётида ҳикоя жанрининг пайдо бўлиши тарихи ва ривожланиш босқичлари // «Хитой ва Марказий Осиё ҳалқларининг маданий, адабий, тил алоқалари: ўтмиш ва ҳозирги замон» мавзуидаги илмий анжуман материаллари. – Т., 2004. – Б. 70-73.
8. Зиямуҳамедов Ж. Китайская волшебная новелла. – «Чуаньци» // Актуальные проблемы китаеведения. – Т., 2004. – С. 54-60.

ТАДҚИҚОТЧИ

Ж. ЗИЯМУҲАМЕДОВ

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор

Зиямухамедов Жасур Тошпўлатовичнинг

10.01.06 – Осиё ва Африка мамлакатлари халқларининг

адабиёти ихтисослиги бўйича

«Пу Сунглингнинг сеҳрли новеллалари (сюжетнинг келиб чиқиши

ва ривожланиши масалалари)» мавзусидаги диссертациянинг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: сеҳрли новелла, шяошо, хуабен, чуанчи, сюжет, архаик сюжет, афсонавий персонаж, трансформация, сеҳргар-қиз, тотем-хотин, новелланавис, сюжет силжиши.

Тадқиқот объектлари: хитой новеллалари, хитой адабиёти тарихи, Пу Сунглингнинг хитой тилидаги икки жилдлик асарлар тўплами (1986), уч жилдлик «Тўла асарлар тўплами» (Шанхай, 1997-1998).

Ишнинг мақсади: Пу Сунглинг сеҳрли новеллалари мисолида хитой адабиёти тарихида сеҳрли новелла жанри тарқиётини тадқиқ этиши.

Тадқиқот усули: Ишда структурал, қиёсий-типологик, аналитик ва бадиий тадқиқот усуllibаридан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Сеҳрли новелла жанрининг специфик хусусиятлари, бошқа насрый жанрлар билан алоқадорлиги, сеҳрли новеллада сюжет, композиция ва қаҳрамон масаласи хитой адабиёти, хусусан, Пу Сунглинг ижодидаги сеҳрли новеллалар мисолида ўрганилди ва илк бор ўзбек тилида монографик тадқиқот сифатида тадқиқ этилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқотда акс этган кузатишлар сеҳрли новелла жанрининг хитой адабиёти, хусусан, Пу Сунглинг ижодидаги умумий ва хусусий жиҳзатларини тасаввур этиш ҳамда сеҳрли новелла жанри мезонларини ишлаб чиқишида назарий асос вазифасини бажаради.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари ва асосий мазмуни Республика журнallари ва илмий тўпламларда зълон қилинган мақолаларда, илмий-назарий анжуманлардаги маъruzalarda ҳамда Пу Сунглингнинг илк бора ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилган новеллаларда акс этган.

Қўлланиш соҳаси: тадқиқот мобайнида олиб борилган кузатишлар, диссертацияда баён этилган илмий-назарий хулосалардан олий ўқув юргларининг шарқ, хусусан, хитой филологияси факультетлари талабалари ҳамда хитой тилига иқтисослашган мактаб ва академик лицейлар учун маҳсус курс ва семинарларда, шунингдек, хитой адабиёти бўйича дарслер яратишида фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

зид то яшадашиб бўла тигча
зидано ва диссертации Зиямухамедова Жасура Ташпұлатовича
на тему "Волшебные новеллы Пу Сунглинга (вопросы появления сюжета и его
развитие)" на соискание ученой степени кандидата филологических наук
по специальности 10.01.06-Литература народов стран Азии и Африки

Ключевые слова: волшебная новелла, шяошо, хуабен, чуанчи, сюжет, архаический сюжет, легендарный персонаж, трансформация, девушка-волшебница, женщина-тотем, новеллист, изменения в сюжете.

Объекты исследования: китайские новеллы, история литературы Китая, двухтомное собрание сочинений Пу Сунглинга на китайском языке (1986), трехтомное "полное собрание сочинений" (Шанхай 1997-1998).

Цель работы: исследование развития жанра волшебной новеллы в китайской литературе на примере волшебных новелл Пу Сунглинга.

Метод исследования: в работе использованы методы структурного, сравнительно-типологического, аналитического и художественного исследования.

Полученные результаты и их новизна: специфические особенности жанра волшебной новеллы, связь с другими прозаическими жанрами, вопросы сюжета, композиции и героя китайской литературы были изучены на примере волшебных новелл Пу Сунглинга, а также впервые проведено монографическое исследование на узбекском языке.

Практическая значимость: наблюдения и результаты исследования помогают формированию представления о жанре новеллы китайской литературы, в частности формированию общих и частных сторон творчества Пу Сунглинга, а также является теоретической основой при разработке критериев жанра волшебной новеллы.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования и основное содержание отражено в статьях, опубликованных в республиканских журналах и научных сборниках; докладах, сделанных на научно-теоретических конференциях, а также в новеллах Пу Сунглинга впервые переведенных на узбекский язык и изданных в Узбекистане.

Область применения: наблюдения, проведенные в процессе исследования и научно-теоретические выводы, изложенные в диссертации могут быть использованы в спецкурсах и на семинарах в работе со студентами факультета китайской филологии и учащимися специализированных школ и академических лицееv, а также при создании учебников и учебных пособий по китайской литературе.

RESUME

Of the dissertation on the theme "Magic short story (origin and development of the plot) in the works by Pu Sungling " on the specialty of Asian and African countries peoples literature-10.01.06. written by Jasur Toshpulatovich Ziyamuhamedov,
the pretender to Candidate of Philology Sciences

Key words: short story, magic short story, shyaosho, chuanchi, khuaben, plot, legendary character, magic girl, tomen-woman, short-story writer, plot of sildgishi subsidiary episode.

Subjects of inquiry: Chinese story, history of Chinese literature, 2 volumes of Pu Sungling's works in Chinese (1986), 3 volumes of "Complete works" (Shanghai, 1997-1998).

Aim of the inquiry: to investigate the genre development of magic short story in Chinese literature in the examples of magic stories by Pu Sungling.

Method of inquiry: The structural, comparative typological, analytical and feature research methods were used in this work.

The results achieved and their novelty: all the specific features of magic short-story genre and it's relation with other feature genre, the plot in magic short story, composition and the problem of hero in Chinese literature are strictly investigated in the magic short stories in Pu Singling's activity and magic short story genre in Chinese literature, it's role in Pu Sungling's activity, it's development, rules of development are investigated for the first time as a monograph research on the Uzbek language.

Practical value: The investigation will be a theoretical base in the imagination of general and private aspects of magic short-story genre of Chinese literature, strictly Pu Sungling's activity and carrying out measures of magic short-story genre.

Degree of embed and economic effectivity: The results of investigation and its main content can be seen in the articles, in the lectures at the scientific-theoretical conferences and in Pu Sungling's short stories translated into Uzbek for the first time and published in the republican journals and scientific collected works.

Sphere of usage: the investigation held in the research, scientific-theoretical conclusion in the dissertation can be used at the oriental faculties, of Chinese Philology faculties and at special courses and seminars at schools and lyceums specialized on Chinese, to create books and text-books on Chinese literature.

389

Босишга руҳсат этилди 11.04.2005.

Бичими 60x84 1/16. Шартли 1,5 б.т. 100 нусхада босилди. Буюртма № 414.
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг кичик босмахонаси.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.